

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 13 январь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н.Турсунов - вилоят ҳокими**Қатнашдилар:** Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят, шаҳар, туман сектор раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz* платформасидаги назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар);

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Давлат Раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баённомада берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

3. Аҳоли бандлигини таъминлаш, мигрантлар билаш ишлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ва сектор раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида;

4. 2024 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва ҳудудий инвестиция дастурларининг ижроси ҳамда 2025 йилда амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида;

5. Ички ариқларни бетонлаштириш, ҳашар йўли билан тозалаш бўйича масъуллар ва сектор раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.

(Н.Турсунов, Э.Ғаффоров, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова, Ж.Бобомуродов, Б.Сайфиддинов, Л.Хайруллаев, Д.Эргашев, В.Адизов, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Ўроқов, А.Файзиев, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Жумладан, 2024 йил давомида Давлат Раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнлари орқали 4 мингдан (шундан, 1535 тасида Навоий асосий ижрочи) ортиқ топшириқлар ижроси таъминланганлиги, бунда, Иқтисодиёт, Инвестиция, Ижтимоий, Туризм, Жамоат, Хотин-қизлар ҳамда бошқа комплекслар ва уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан тизимли ишлар ташкил этилганлиги натижасида, барча назоратдаги топшириқлар ижроси таъминланиб, электрон тизимдан назоратдан олинганлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, Президент топшириқлари ижросини таъминлашда, тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида, Қурилиш комплекси ва унинг таркибига кирувчи Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги комплекси ва унинг таркибига кирувчи Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси масъул бўлган 1 тадан топшириқлар ижроси таъминланмаганлиги масъулларга кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вилоятдаги **барча даражадаги раҳбарлар** ижро интизомига қатъий риоя қилиш, ўзига юклатилган вазифаларга, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг Фармон, қарор ва топшириқлари ижросини виждонан, ўз вақтида ва сифатли тарзда бажарилишини ташкил қилишга **масъул ва жавобгар эканлиги тўғрисида яна бир маротаба расман огоҳлантирилди.**

Бундан ташқари, “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш учун юборилган ҳужжатлар ижросини таъминлашда:

Нурота, Навбаҳор, Қизилтепа, Конимех, Кармана туманлари ва Ғозғон шаҳар ҳокимликларида **муддати ўтгандан кейин бажариш одат тусига айланиб бораётганлиги;**

Навоий шаҳар ва Хатирчи тумани ҳокимлиги масъуллари ва раҳбарияти бир неча маротаба огоҳлантирилишига қарамасдан, ижро интизоми масаласи

тизимли ташкил этилмаслиги натижада топшириқлар **мунтазам равишда муддатидан кечикишга йўл қўйилаётганлиги;**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, Автомобиль йўллари бош бошқармаси, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК, “Навоий сув таъминоти” АЖ, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан сўнги пайтларда топшириқ хатларини **кечиктириб бажариш ҳолатлари кўпайганлиги кўрсатиб ўтилди** ҳамда юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ҳокимлари ва бошқармалар раҳбарлари бундай ҳолатлардан **жиддий хулоса чиқариб**, ишларни тартибга солсин, ходимларининг шахсий масъулиятини ошириб, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан барча зарурий чораларни кўришлари юзасидан **огоҳлантирилди.**

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ва бошқармаларда ижро интизомига риоя қилиш бўйича ҳолатни чуқур таҳлил қилиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритиш топшириқлари берилди.

Йиғилиш кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг ижроси муҳокама қилиниб, тегишли бандлари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Хусусан, вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**)га қарорнинг 8.2- банди ижросини таъминлаш мақсадида, ер тоифаси ўзгарадиган майдонларда 2–3 қаватдан кам бўлмаган саноат майдонлари ташкил этиш шарти билан ушбу ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиб, 35 та лойиҳа амалга оширилишини таъминлаш;

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг вилоят бошқармаси билан биргаликда қарорнинг 4.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятнинг яйлов ерларида жойлашган барча истиқболли ер қаъри участкалари рўйхатини, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6–7-иловаларига мувофиқ ер қаъри участкалари рўйхатини контурлари ва координаталари билан бирга шакллантириб, ер фонди тоифасини ўзгартириш ва аукцион савдоларига чиқариш;

“Навоий” халқаро аэропорти (**Қўчқоров**) билан биргаликда аэропорт салоҳиятини ошириб, уни маҳаллий хабга айлантириш мақсадида ушбу аэропорт юк терминалини хусусий сектор бошқарувига бериш бўйича вилоят ҳокимига таклиф киритиш;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Ҳикматов, Ғаффоров**)га Навоий Ўрмон хўжалиги (**Жумаев**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) билан биргаликда қарорнинг 19-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Хатирчи туманидаги

давлат ўрмон хўжалигига қарашли 10 гектар ер участкасини 1 млн бош парранда ва 100 минг бош бедана етиштириш лойиҳасини амалга ошириш шарти билан белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**)га вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**) билан биргаликда қарорнинг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Шарқ университети” нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш топшириғини охирига етказиш;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров**)га қарорнинг 5.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиш;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Мирзаев**)га Зарафшон шаҳар ҳокимлиги (**Раҳмонов**) билан биргаликда қарорнинг 10.в-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Зарафшон шаҳридаги Марварид кўли атрофида канат йўли, сузиш ҳавзаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда лотларга бўлган ҳолда лизингга бериш ва 1000 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**)га Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) билан биргаликда қарорнинг 17-илова 54-бандига кўра Хатирчи туманида сув таъминоти оғир бўлган, аҳолига ижара асосида ажратилган 51 та контурдаги 370 гектар ер майдонлари сув таъминотини яхшилаш бўйича суғориш учун қудуқ қазиладиган ер майдонларини аниқлаш ва белгиланган тартибда сув ҳажми юзасидан хулосалар олиш ишларини охирига етказиш чораларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 октябр – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баённомасида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли бандлар ижроси бўйича тизимли ишларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров, Камолов, Ходжаев, Мирзаев, Ҳикматов**)га баённомадаги республика вазирлик ва идоралари билан боғлиқ масалалар бўйича алоқа хатларини чиқариб, улар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиш ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ҳисобот бериб бориш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибида аҳоли бандлигини таъминлаш, мигрантлар билан ишлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича ҳудудларда амалга

оширилган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги вазифалар юазсидан тўхталиб ўтилди.

Бандлик дастури ижроси бўйича ўтган 2024 йил давомида 132,8 минг аҳолининг бандлиги таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир қаторда инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 5 939 та (59 фоиз) иш ўринлари яратилиб, 4169 та иш ўринлари дастурга киритилмаганлиги, бу эса Нурота туманида 24 фоизга, Учқудуқ туманида 29 фоизга бажарилганлиги;

шунингдек, қишлоқ хўжалиги йўналишда 78 033 та (87 фоиз) иш ўринлари яратилиб, 11 545 та иш ўринлари дастурга киритилмаганлиги, пиллачилик соҳасида 17 308 та (34,5 фоиз) иш ўринлари яратилганлиги, бу борада Хатирчи туманида 14,6 мингта, Қизилтепа туманида 10 мингта иш ўринлари яратилмаганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси бўйича 2024 йилда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича 15 891 та муаммолар ҳал этилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга масъуллар томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйганлиги ўрганишлар давомида аниқланганлиги маълум қилинди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича муаммоларини ҳал қилиш Хатирчида 77 фоизга, Навоий шаҳар 78 фоизга, барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш бўйича Нурота туманида 72 фоизга, Конимех, Томди туманларида 75 фоизга, кафолатланган давлат тиббий хизматини кўрсатиш бўйича Томди туманида 86 фоизга, таълим олиш ва касб-ҳунар ўргатиш бўйича Навоий шаҳрида 90 фоизга, Хатирчи туманида 91 фоизга, Кармана туманида 92 фоизга, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш бўйича Кармана ва Конимех туманларида 89 фоизга, яшаш шароитларини яхшилаш ва мослаштириш бўйича Кармана туманида 80 фоиз, Хатирчи туманида 86 фоиз, Конимех туманида 89 фоизга, бошқа масалалар бўйича Нурота туманида 47 фоизга бажарилганлиги такидлаб ўтилди.

Шунингдек, Миграция агентлиги орқали 2024 йилда хорижга ишга юборишга кўмаклашиш Кармана туманида 89,7 фоизга, Навбаҳор туманида 91,8 фоизга бажарилганлиги, хорижга ишлаш истагидагиларни касб ҳунар ва тилларга ўқитиш Хатирчи туманида 81,5 фоизга, Томди туманида 91,7 фоизга, Конимех туманида 93,3 фоизга, Учқудуқ туманида 96 фоизга ва Қизилтепа туманида 96,5 фоизга бажарилганлиги такидланди.

2025 йилда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларининг (*Хитой тажрибаси*) мақсадли кўрсаткичлари белгилаб олинганлиги юзасидан топшириқлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман ҳокимлари ва тегишли масъулларга вазифалар белгилаб берилди, белгиланган вазифаларни сифати ва

муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда, 2024 йилда инвестиция дастури доирасида 620,4 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилга (477,6 млн. доллар) нисбатан 1,3 баробарга ўсиши таъминланганлиги, 2025 йил вилоятда 3,0 млрд долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш вазифаси белгиланганлиги, бугунги кунда 2,0 млрд долларлик хорижий инвестиция ўзлаштириладиган 83 та лойиҳалар шакллантирилганлиги таъкидлаб ўтилди, 1,0 млрд долларлик лойиҳаларни манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарларига вазифа ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, 2024 йилда вилоятда ҳудудий инвестиция дастурлари бўйича қиймати 404,8 млн долларлик 575 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 7,9 мингта иш ўринлари яратилганлиги ҳамд 2025 йилги ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати 725,5 млн. долларлик 529 та лойиҳалар шакллантирилиб, улар ҳисобига 8,5 мингта иш ўрни яратилиши режалаштирилганлигига тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, 2024 йилда қиймати 300,8 млн. долларлик 129 та муаммоли лойиҳалар (қиймати 180,7 млн. долларлик 50 та лойиҳаларнинг муддати узайтирилган, қиймати 120,1 млн. долларлик 79 та лойиҳалар истиқболсиз топилган) натижасида 2 640 та иш ўринлари яратилмасдан қолганлиги, ушбу ҳолат Зарафшон шаҳри, Қизилтепа, Нурота ва Хатирчи туманлари ҳиссасига тўғри келганлиги танқид қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокими ўринбосарлари (Сулаймонов, Ғаффаров), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Азимов), Марказий банк вилоят бошқармаси (Пардаев), тижорат банлари ва шаҳар (туман) ҳокимларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда, ички ариқларни бетонлаштириш, ҳашар йўли билан тозалаш бўйича масъуллар ва сектор раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунга қадар вилоят бўйича 103,9 км (10 фоиз) узунликдаги ички суғориш тармоқларида бетонлаштириш, 2073 км (60 фоиз) узунликдаги ички суғориш тармоқларида тозалаш ва 7 979 гектар (44 фоиз) майдонларда шўр ювишга ер тайёрлаш ҳамда 4 077 гектар (22,7 фоиз) майдонларда шўр ювиш ишлари амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Қизилтепа туманида 17 фоиз (58 км), Хатирчи туманида 6,3 фоиз (19,6 км), Конимех туманида 18 фоиз (5,3 км), Кармана туманида 8 фоиз (13,1 км), Навбаҳор туманида 7 фоиз (16,8 км) ички ариқларда бетонлаштириш;

Кармана туманида 55 фоиз (381 км), Конимех туманида 81 фоиз (27 км), Навбаҳор туманида 55 фоиз (390 км), Қизилтепа туманида 61 фоиз (545 км), Хатирчи туманида 61 фоиз (731 км) узунликдаги ички суғориш тармоқларида тозалаш;

Кармана туманида 10 фоиз (316 гектар), Навбаҳор туманида 25 фоиз (1322 гектар), Қизилтепа туманида 36 фоиз (2139 гектар), Хатирчи туманида 7 фоиз (301 гектар) майдонларда шўр ювиш ишлари амалга оширилганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (Худойназаров)га икки кун муддатда 103,9 км узунликдаги бетонлаштирилган ички суғориш тармоқларини ўрганиб чиқиб натижаси бўйича (фотоалбоми билан бирга) вилоят ҳокимига ҳисобот киритиш вазифаси топширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ҳикматов)га туман ҳокимлари билан биргаликда бир кун муддатда 1000 км бетонлаштириладиган ички суғориш тармоқларини кластер ва фермер хўжаликлари ҳамда секторлар кесимида манзилли рўйхатини шакллантириб киритиш вазифаси топширилди.

Туман ҳокимлари ва сектор раҳбарларига ўн кун муддатда ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш, ўн тўрт кун муддатда 1 365 км узунликдаги ички суғориш тармоқларини тозалаш, ўн кун муддатда белгилан майдонларни шўр ювишга ер тайёрлаш ҳамда шўр ювиш ишларини яқунлаш бўйича топшириқлар берилди.

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Садинов)га ички суғориш тармоқларни бетонлаштириш ва тозалаш бўйича кунлик ҳаққоний маълумотларни вилоят ҳокимлиги (Ҳикматов)га киритиб бориш вазифаси юклатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2024 йилда Ижро интизومي таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ижросини сифатли ва ўз муддатида бажариш бўйича доимий муҳокамалар ўтказиб келинганлиги, жумладан Давлат Раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнлари орқали 4 мингдан (шундан 1535 тасида Навоий асосий ижрочи) ортиқ топшириқлар ижроси таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятдаги **барча даражадаги раҳбарлар** ижро интизомига қатъий риоя қилиш, ўзига юклатилган вазифаларга, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг Фармон, қарор ва топшириқлари ижросини виждонан, ўз вақтида ва сифатли тарзда бажарилишини ташкил қилишга **масъул ва жавобгар эканлиги тўғрисида яна бир маротаба расман огоҳлантирилсин.**

3. Қуйидагилар:

вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Хамидов**), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг (**Ниёзов**) **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2023 йил 21 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда тасдиқланган 41-сонли баённинг 7-банди;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ҳикматов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг (**Садинов**) **икки кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПҚ-52-сонли қарори 7-илоvasи 1-банди;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ҳикматов**), Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг (**Рашидов**) **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 29 февралдаги 8-сонли баённинг 27.1- банди;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ходжаев**) **икки кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 ноябрда Навоий вилоятига ташрифида тасдиқланган 77-сонли баённинг 1-илова 14-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ-5099-сонли қарори 14.1-бандлари ижросини таъминлаб, ўрнатилган тартибда назоратдан ечилишини таъминласин.

Белгиланган муддатларда ушбу топшириқлар ижроси таъминланиб, назоратдан чиқарилмаса, юқорида номлари келтирилган масъулларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши **белгилаб қўйилсин.**

Назорати **Э.Авезов, Ш.Намозовга.**

4. “Edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш учун юборилган ҳужжатлар ижросини таъминлашда:

Нурота, Навбаҳор, Қизилтепа, Конимех, Кармана туманлари ва Ғозғон шаҳар ҳокимликларида **муддати ўтгандан кейин бажариш одат тусига айланиб бораётганлиги;**

Навоий шаҳар ва Хатирчи тумани ҳокимлиги масъуллари ва раҳбарияти бир неча маротаба огоҳлантирилишига қарамасдан, ижро интизоми масаласи тизимли ташкил этилмаслиги натижада топшириқлар **мунтазам равишда муддатидан кечикишга йўл қўйилаётганлиги;**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Ниёзов**), Автомобиль йўллари бош бошқармаси (**Ҳалимов**), “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (**Турдиев**), “Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**)лар томонидан сўнги пайтларда топшириқ хатларини **кечиктириб бажариш ҳолатлари кўпайганлиги кўрсатиб ўтилсин.**

Юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ҳокимлари ва бошқармалар раҳбарлари бундай ҳолатлардан **жиддий хулоса чиқариб**, ишларни тартибга солсин, ходимларининг шахсий масъулиятини ошириб, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан барча зарурий чораларни кўришлари юзасидан **огоҳлантирилсин.**

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**):

бир ҳафта муддатда юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ва бошқармаларда ижро интизомига риоя қилиш бўйича ҳолатни чуқур таҳлил қилиб, натижаси бўйича (қандай ўзгариш бўлди) вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритсин;

бир кун муддатда ижро интизомини мустаҳкамлаш, ўзига юклатилган вазифаларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг Фармон, қарор ва топшириқлари ижросини ўз вақтида ва сифатли тарзда бажарилишини ташкил қилишга масъул ва жавобгар эканлиги тўғрисида вилоят ҳокимининг номидан **огоҳлантириш хатларини** тайёрлаб, киритсин.

5. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли корхона, ташкилот раҳбарлари январь ойида назоратда турган, муддати ўтган 4 та ва муддати энди келадиган 108 та Президент топшириқларини **ойнинг 25- санасига қадар** тўлиқ якунига етказилсин.

6. Туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари **уч кун муддатда** ўзларининг ташкилотларида ижро интизоми масаласини қайтадан кўриб чиқиб, хато ва камчиликларга йўл қўйган масъулларга интизомий жазо чоралари қўлланилсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимлигига батафсил расмий ахборот киритилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Давлат Раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПФ-143-сонли фармони ҳамда ПҚ-330 ва ПҚ-347-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича етарлича ишларни ташкил этмаганлиги, вилоят штабига бириктирилган хонадони бўйича ёлғон маълумотларни киритганлиги, 2024 йил 24 декабрда (26.12.2024й.даги №11-01/126 сонли) ўтказилган “ҳоким соати” йиғилишида берилган топшириқлар ижроси таъминланмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйган камчиликлари учун Навоий шаҳар Адлия бўлими бошлиғи **А.Холмўминов** ва “Ҳудудий электр

тармоқлари” АЖ Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **У.Каримовларни** эгаллаб турган лавозимидан озод этиш бўйича Республика Адлия вазирлиги ва “Худудий электр тармоқлари” АЖга тақдимнома лойиҳасини тайёрлаб, киритсин.

8. Вилоят ҳокимлиги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи (**Шарипов**) алоҳида ишчи гуруҳи тузиб, МИБнинг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи Ш.Бобоев томонидан унга юклатилган вазифаларни, хусусан Давлат Раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПФ-143-сонли фармони ҳамда ПҚ-330 ва ПҚ-347-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича олиб бораётган ишлари, рақамларнинг ҳаққонийлиги, ишларни белгиланган талаблар асосида ташкил этилганлигини ўрнатилган тартибда ўрганиб, натижаси бўйича **беш кун муддатда** вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритсин.

9. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) билан биргаликда **икки кун муддатда** Навоий шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси, шаҳар сектор раҳбарлари ҳамда маҳаллаларга бириктирилган масъуллар томонидан ҳар бир оилага кўрсатилган ёрдамлар ҳаққонийлигини бирма-бир ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

10. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Ҳикматов, Ғаффоров**) **бугун кечгача** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг 18-иловасидаги 2143 гектар ер майдонларининг ер тоифаларини ўзгартириш бўйича Ҳукумат комиссиясига керакли ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат хатини вилоят ҳокимига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг тегишли бандлари ижросини **ўз вақтида таъминлаш мақсадида:**

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) қарорнинг 8.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, ер тоифаси ўзгарадиган майдонларда 2–3 қаватдан кам бўлмаган саноат майдонлари ташкил этиш шарти билан ушбу ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиб, 35 та лойиҳа амалга оширилишини таъминлаш бўйича шуғулланиб, натижаси бўйича **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг вилоят бошқармаси билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** қарорнинг 4.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятнинг яйлов ерларида жойлашган барча истиқболли ер қаъри участкалари рўйхатини, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6–7-иловаларига мувофиқ ер қаъри участкалари

рўйхатини контурлари ва координаталари билан бирга шакллантириб, ер фонди тоифасини ўзгартириш ва аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Ҳикматов, Ғаффоров**), Навоий Ўрмон хўжалиги (**Жумаев**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) **бир ҳафта муддатда** қарорнинг 19-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Хатирчи туманидаги давлат ўрмон хўжалигига қарашли 10 гектар ер участкасини 1 млн бош парранда ва 100 минг бош бедана етиштириш лойиҳасини амалга ошириш шарти билан белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш ёки шу мақсадда Хатирчи туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тошириғини охирига етказиб, назоратдан чиқарсин;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**) **беш кун муддатда** қарорнинг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Шарқ университети” нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечсин;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров**) **беш кун муддатда** қарорнинг 5.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиш топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечсин;

вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Мирзаев**), Зарафшон шаҳар ҳокимлиги (**Раҳмонов**) қарорнинг 10.в-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Зарафшон шаҳридаги Марварид кўли атрофида канат йўли, сузиш ҳавзаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда лотларга бўлган ҳолда лизингга бериш ва 1000 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўриш топшириғи билан жиддий шуғулланиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ўн кунда вилоят ҳокимига ҳисобот бериб борсин;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) “Навоий” халқаро аэропорти (**Қўчқоров**) билан биргаликда **бир кун муддатда** аэропорт салоҳиятини ошириб, уни маҳаллий хабга айлантириш мақсадида ушбу аэропорт юк терминалини хусусий сектор бошқарувига бериш бўйича вилоят ҳокимига таклиф киритсин;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**) қарорнинг 25а.1-бандига кўра, 20 млрд сўм бюджет ссудаси ҳисобига Навоий шаҳри, Кармана, Конимех ва Учқудуқ туманларини ичимлик сув билан таъминловчи сув иншоотлари ва насос станцияларини реконструкция қилиш ҳамда сув таъминоти тизимига энерготезамкор ускуналар ўрнатиш орқали автоматлаштириш лойиҳаси учун

2025 йил 1 февралга қадар маблағ ажратиш масаласини шахсан назоратига олиб, бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимиغا ҳисобот бериб борсин;

вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) **бир ҳафта муддатда** қарорнинг 17-илова 54-бандига кўра Хатирчи туманида сув таъминоти оғир бўлган, аҳолига ижара асосида ажратилган 51 та контурдаги 370 гектар ер майдонлари сув таъминотини яхшилаш бўйича суғориш учун қудуқ қазиладиган ер майдонларини аниқлаш ва белгиланган тартибда сув ҳажми юзасидан хулосалар олиш ишларини охирига етказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимиغا ҳисобот берсин;

12. Вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Ҳамидов**), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Ниёзов**) **бир кун муддатда** Учқудуқ туманидаги Мингбулоқ сув иншоотида қўшимча сув сақлаш резервуарлари қуриш ва янгидан 78 км иккинчи тармоқ тортиш лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, бу ишларга халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш бўйича таклифларни вилоят ҳокимиغا киритсин.

13. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) **бир кун муддатда** Ғозғон шаҳридаги “Мармаробод” кластери хом-ашё базасини қўшимча 3 та кон ва 5 та майдон ҳисобига кенгайтириш топшириғи бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимиغا ҳисобот берсин.

14. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) **бир кун муддатда** вилоят ҳокими ўринбосарларига, корхона (ташкилот) раҳбарларига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорида белгиланган устувор вазифа ва топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича огоҳлантириш хатларини чиқарсин.

15. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби (**Раубаева**), ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси (**Мамаражабов**), Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти (**Ҳамроев**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг мазмун-моҳияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилинишини ташкил қилсин.

16. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) билан биргаликда **бир кун муддатда** вилоят ҳокимлигининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари котибияти мудирини лавозимига муносиб номзодларни вилоят ҳокимиغا киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 октябр – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган **47-сонли**

йиғилиш баённомасида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида:

вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Сайфиддинов**), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Пардаев**), АТ “Микрокредитбанк”нинг вилоят филиали (**Акрамов**) **бир кун муддатда** баённоманинг 16-бандига кўра Хатирчи туманидаги “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида маблағ ажратишни сўраб мурожаат қилган 15 та лойиҳа ташаббускорларига лойиҳаларни амалга оширишлари учун талаб этиладиган 30 млрд сўм маблағ ажратиш масаласида вилоят ҳокимига ахборот берсин;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ходжаев**), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) **бир ҳафта муддатда** баённоманинг 82-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг бўш турган қисмида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалини ташкил этиш топшириғини охирига етказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот берсин;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ҳикматов**), Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг вилоят бўлиминини (**Жумақулов**), Хатирчи тумани ҳокимлигини (**Адизов**) **бир кун муддатда** баённоманинг 15-бандига кўра, Хатирчи тумани “Кўксарой” массивида камбағал оилаларга ажратиб бериш мақсадида, 50 гектар ер майдонида янги боғ ташкил этиш учун “Яшил макон” дастури учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 2025 йил 1 феврал санасига қадар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан 5 млрд сўмгача бўлган маблағларни ажратиш масаласида вилоят ҳокимига ҳисобот берсин;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ғаффоров**) **бир кун муддатда** баённоманинг 33-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Зарафшон Индустириал Технолоджи” хорижий корхонасига 104 гектар ер майдон ажратиш бўйича вилоят ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлаб, киритсин;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ходжаев**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармасини (**Баҳромов**), Хатирчи тумани ҳокимлигини (**Адизов**) баённоманинг 67-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Хатирчи туманида “Ёшлар боғи”ни ташкил қилиш масаласи билан жиддий шуғулланиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин;

вилоят ҳокими ўринбосарини (**Ғаффоров**) Учқудуқ тумани ҳокимлигини (**Елмуратов**) **бир кун муддатда** баённоманинг 84-бандига кўра, Учқудуқ тумани ҳудудидаги 21 та истиқболли конлар жойлашган Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига тегишли бўлган яйлов ерларини келгусида уларни ўзлаштириш мақсадида белгиланган тартибда Учқудуқ

туман ҳоқимлиги захира ер фондига ўтказиш топшириғининг ижроси бўйича вилоят ҳоқимиغا ахборот киритсин.

Вилоят ҳоқими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров, Камолов, Ходжаев, Мирзаев, Ҳикматов**) **уч кун муддатда** баённомадаги республика вазирлик ва идоралари билан боғлиқ масалалар бўйича алоқа хатларини чиқариб, улар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилсин ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафтада** вилоят ҳоқимиغا ҳисобот бериб борсин.

18. Вилоят прокуратураси (**Раҳматуллаев**) “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида камбағалликдан чиқариш бўйича ҳудудларда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги юзасидан ўрганиш ишларини яқунлаб, натижаси бўйича вилоят ҳоқимиغا ҳисобот киритсин.

19. Вилоят ҳоқимлиги котибият мудирини (**Сайфиддинов**) Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) билан биргаликда Хатирчи туманига бориб, ижтимоий реестрда турган оилаларни камбағаллик реестрига киритиш бўйича сўровномалар ўтказиш ишларини жадаллаштириб, амалга оширилган ишлар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳоқимиغا ахборот берсин.

20. Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**):

туман (шаҳар) ҳоқимликлари билан биргаликда ижтимоий реестрда турган оилаларни камбағаллик реестрига киритиш бўйича сўровномалар ўтказиш ишларини яқунлаш чораларини кўрсин;

хатлов натижалари бўйича маълумотларни барча масъулларга етказилишини таъминласин, масъуллар билан биргаликда қайт этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларини кўрсин;

ижтимоий реестрда турган оилаларни камбағаллик реестрига киритиш бўйича сўровномалар ўтказиш ишлари бўйича вилоят ҳоқимиغا **кунлик ҳисобот** киритиб борсин.

21. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**) ижтимоий реестрда турган оилаларни камбағаллик реестрига киритиш бўйича сўровномалар ўтказиш ишларини жадаллаштириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига кўрсатма ва топшириқлар берсин.

22. Инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 5 939 та иш яратилиб (59 фоиз), 4169 та иш ўринлари дастурга киритилмаганлиги, Нурота туманида 24 фоизга, Учқудуқ туманида 29 фоизга бажарилганлиги, Қишлоқ хўжалиги йўналишда 78 033 та иш ўринлари яратилиб (87 фоиз), 11 545 та иш ўринлари дастурга киритилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

23. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** республика вазирлиги билан боғланиб,

“my.mehnat.uz” платформасига Нурота ва Учқудуқ туманларида яратилган иш ўринларини киритилишини ташкил қилсин.

Уч кун муддатда платформага ушбу ҳудудларда яратилган иш ўринлари тўғрисида маълумот киритилмаса, Нурота ва Учқудуқ туманлари ҳокимларига нисбатан тегишли чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

24. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Ғаффаров, Ҳикматов, Камолов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда бандлик дастурини ижросини таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

25. Жорий йилнинг 14,15,17,20 январ кунлари Хорижий иш берувчиларнинг вилоятга ташриф буюраётганлигини инобатга олиб, туман (шаҳар) ҳокимлари Миграция Агентлиги вилоят филиали (**Мардонов**) билан келишган ҳолда график асосида танлов жараёнларини ташкиллаштирсин.

26. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ходжаев**) Миграция агентлигининг вилоят филиали (**Мардонов**) билан биргаликда **уч кун муддатда** “Вилоятда ташкиллаштирилган тартибда меҳнат миграциясини амалга ошириш, қайтиб келганларни бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармойиш лойиҳасини тайёрлаб киритсин.

27. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (**Шамсиев**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) **икки ҳафта муддатда** Миграция агентлиги вилоят филиалининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда филиалга қўшимча штат ажратиш бўйича таклифлар тайёрлаб киритсин.

28. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Камолов, Ҳикматов, Ғаффаров, Ходжаев, Мирзаев, Мамадиярова**), туман (шаҳар) ҳокимлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан бирга:

2025 йилда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари бўйича штаб ташкил этилган ҳолда, Хитой тажрибаси асосида ташкил этиладиган **33 та маҳалла сервис компаниялари** томонидан **330 нафар** камбағал аҳолининг бандлиги таъминлаш;

41 нафар таниқли санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, театр, маданият ва санъат арбоблари камбағалликка қарши “**маънавий кўмакчи**” сифатида оғир маҳаллаларга бириктириш;

"Маърифат карвони", "Кинокарвон", "Уч авлод учрашувлари" лойиҳалари доирасида **4 241 нафар** камбағал оила аъзолари қамраб олиш;

41 та оғир маҳаллалардаги **1 444 та** оилани камбағалликдан чиқариш бўйича манзилли ишлаш;

330 та маҳаллада **13 200 та** микролойиҳалар амалга ошириб, **26 400 нафар** даромадли иш ўринларини яратиш;

56 538 нафар аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш;

Маҳалла банкирлари кўмагида **330 та** маҳаллаларда **13 200 та** лойиҳалар амалга ошириш;

Конимех ва Хатирчи туманларидаги **63 гектар** ер майдонларида **6 та** (Конимех ва Хатирчи туманларида 3 тадан) кооперативлар ташкил этиб, **112 нафар** (Конимех туманида 42 нафар ва Хатирчи туманида 70 нафар) фуқароларга субсидия ажратиш;

"**Ақли иқлим**" технологиялари асосида Кармана туманининг "**Дегарон**", "**Кумушкон**", "**Паҳлавон**" ва "**Каттамачит**" маҳаллаларида **24 та** лойиҳаларни ишга туширишга кўмаклашиш.

Конимех туманида **700 нафар**, Томди туманида **300 нафар** ишсиз аёллар Италия, Болгария, Туркия, Ҳиндистон мутахассислари томонидан тадбиркорликка ўқитиб, муваффақиятли тамомлаганларга бизнес бошлаш учун грантлар ажратиш;

Хорижий тиллар, электрон тижорат, СММ, график дизайн йўналишида **1 060 нафар** ёшлар бепул масофавий ўқитиш ва уларнинг **165 нафарини** профессионал АйТи касблар бўйича 6 ойлик интенсив курсларга жалб қилиш;

Хатирчи туманинг "**Навбахор**" ва Нурота туманининг "**Алишер Навоий**" маҳаллаларида почта алоқаси бўлимларида электрон тижоратга хизмат кўрсатиш марказлари ишга тушириш орқали камбағал оила аъзоларини ўқитиб, ишга олиш;

Хатирчи туманининг оғир тоифадаги **6 та** ва Нурота туманидаги **1 та**, маҳаллаларида туризм хизматларини ривожлантириш, бунда:

Хатирчи туманининг "**Ангидон**" ва "**Лангар**" ва Нурота туманининг "**Чуя**" маҳалласида **1 тадан** жами **3 та** янги туризм хизматларини ташкил қилиш;

Хатирчи туманининг "**Ангидон**", "**Бахшижар**", "**Лангар**", "**Олтинсой**", "**Оқтепа**", "**Сангижуман**" ва Нурота туманининг "**Чуя**" маҳаллаларида **15 та** ўқув курсларини ташкил этиш;

Хатирчи туманининг "**Ангидон**", "**Бахшижар**", "**Лангар**", "**Олтинсой**", "**Оқтепа**", "**Сангижуман**" ва Нурота туманининг "**Чуя**" маҳаллаларида **37 та** меҳмон уйлари, ўтовли оромгоҳ ва чодирлар барпо этиш;

"**Лангар**" маҳалласида **2 та** мавсумий кемпинг ҳудудларини ташкил этиш;

"**Ангидон**", "**Бахшижар**", "**Лангар**", "**Олтинсой**" маҳаллаларида **4 та** маданий кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш.

Ўрмон барпо этиш ва бошқа тадбирлар орқали Қизилтепа, Конимех, Навбаҳор, Хатирчи, Нурота ва Кармана туманларидаги **78,5 гектар** ер майдонларига терак, павлония, игна барглилар, заранг, қайрағоч каби дарахт кўчатлари экиб, бунинг натижасида **211 нафар** камбағал оиланинг аъзоларини бандлигини таъминлаш;

Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи ва Нурота туманларидаги **27,0 гектар** ер майдонларига юқори даромадли доривор ўсимликларини экиш;

Давлат гранти асосида Конимех туманининг **“Наврўз”** ва Хатирчи туманининг **“Тамабаҳрин”**, ҳамда **“Уйшун”** маҳаллаларида **3 та** техникумлар ташкил этиш орқали камбағал оилаларнинг **90 нафар** аъзоси ўқитиш;

Конимех туманининг **“Наврўз”** ва Хатирчи туманининг **“Тамабаҳрин”** ҳамда **“Уйшун”** маҳаллаларида **3 та** маҳаллаларда қисқа муддатли курслар ташкил этиш ҳамда **300 нафар** ишсиз аҳоли ўқитишга эришиш;

622 нафар камбағал оила аъзоларини ҳудуддаги иш берувчилар талаб асосида мақсадли ўқитиш;

Хусусий секторни жалб қилган ҳолда тажриба тариқасида Навбаҳор туманидаги **34 та** маҳаллаларда **34 та** тугараклар ташкил этиб, **194 нафар** камбағал оилаларнинг фарзандларини ушбу тугаракларга жалб қилиш;

41 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиб, **2 050 нафар** тарбияланувчиларни қамраб олиш;

330 та маҳаллаларга **1 та** дан шифокорлар бириктири, **30 087 та** камбағал оилаларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиб, индивидуал режа асосида соғломлаштириш;

“Водийдан воҳага” тамойили асосида Конимех туманида **5 та**, Томди туманида **5 та**, Хатирчи туманида **20 та** ва Кармана туманида **5 та**, жами **35 та** маҳаллаларда бўш турган ва фойдаланилмаётган ер участкаларида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари тадбиркорлари ва инвесторлари иштирокида саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, хизмат кўрсатувчи объектларни барпо этиш;

2025 йилнинг 1 июлига қадар бошқарув сервис ташкилотлар томонидан **50 нафар** камбағал оилаларни иш билан таъминлаш;

2025 йилнинг 1 июлига қадар Навоий шаҳрининг **“Лочин”** ва **“Мурувват”** маҳаллаларида **2 та** салоҳиятли бошқарув сервис ташкилотлар томонидан **2 та** ўқув марказлари ташкил этиб, уларда **100 нафар** мутахассисларни тайёрлаш;

2025 йилнинг 1 апрелига қадар Навоий вилоятининг Навоий ва Зарафшон шаҳарларида, Учқудуқ, Конимех ва Қизилтепа туманларида кўкаламзорлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳалари ҳисобига **32 та** иш ўринларини яратиш;

Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи, Нурота ва Кармана туманларидаги оғир маҳаллаларда **30 та микроГЭСлар** ва **21 та қуёш станцияларини** барпо этиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

29. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан жорий йилда ишга тушириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда хорижий инвестициялар ўзлаштириладиган лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш бўйича олиб бораётган ишлари етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

30. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффаров**) **икки кун муддатда** 2025 йилда хорижий инвестицияларни жалб қилиш режасини вилоят ташкилотлари ҳамда шаҳар, туманлар кесимида тақсимотини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

31. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффаров**), Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), **бир кун муддатда** ҳудудлардан 2025 йилда ўзлаштириладиган хорижий инвестицияларни бажарилишини таъминлаш бўйича 4 та сектор раҳбари имзоси билан **кафолат хатларини** олиб, вилоят ҳокимига киритсин.

32. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича инвесторлар билан мулоқот қилиб, лойиҳалар кесимида **дастурларни шакллантирсин;**

уч кун муддатда 2025 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, **вилоят ҳокими ҳузурида тақдимот (презентация) қилишлари** белгилаб қўйилсин;

белгиланган муддатларда хорижий инвестиция ҳисоботларини топширишда инвесторлар билан ишлаб, статистик ҳисоботларни топширтиришда амалий ёрдамлар бериб борсин.

33. Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**), тижорат банлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**) билан биргаликда жорий йилда ишга тушириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг Йўл-харитаси ва манзилли рўйхатини вилоят ҳокимига киритсин.

34. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффаров**), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**), Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**), тижорат банлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** жорий йилда ишга туширилиши белгиланган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, тўлиқ тасдиқланишини якунига етказсин.

35. Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**) тижорат банклари, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан кредит ажратилиши белгиланган лойиҳаларга кредит ҳужжатларини расмийлаштирилишини ҳамда кредит маблағини тўлиқ ва ўз муддатида ажратилишини таъминласин.

36. Вилоят ҳоқими ўринбосари (Ғаффоров):

уч кун муддатда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва ҳудудий инвестиция дастурлари бўйича берилган топшириқлар ва вазифалар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳоқими йиғилишини ташкиллаштирсин;

тегишли маъсуллар билан биргаликда хорижий ва ҳудудий инвестиция дастурлари бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муҳокама қилиб, натижаси юзасидан **ҳар ой** вилоят ҳоқимига ахборот киритиб борсин.

37. Вилоят ҳоқими ўринбосари (Ҳикматов), Кармана тумани (Адизов), Қизилтепа тумани (Бобомуродов), Конимех тумани (Рўзиев), Навбаҳор тумани (Ўроқов), Хатирчи тумани (Адизов) ҳоқимликларининг ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш, ички суғориш тармоқларини тозалаш, ер майдонларини шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари бўйича амалга ошираётган ишлари етарлича ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

38. Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (Худойназаров) икки кун муддатда ички ариқларни бетонлаштириш ва қўл кучи билан тозалаш ишларининг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳоқимига таҳлилий маълумот киритсин (*фотоалбом билан бирга*).

39. Вилоят ҳоқими ўринбосари (Ҳикматов) туман ҳоқимлари билан бирга бир кун муддатда 1000 км бетонлаштириладиган ички суғориш тармоқларини фермер хўжаликлари ҳамда секторлар кесимида манзилли рўйхатини шакллантириб вилоят ҳоқимига киритсин.

40. Туман ҳоқимлари ва сектор раҳбарлари:

ўн кун муддатда ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш;

ўн тўрт кун муддатда 1 365 км узунликдаги ички суғориш тармоқларини тозалаш;

ўн кун муддатда ер майдонларни шўр ювишга тайёрлаш ҳамда шўр ювиш ишларини яқунлаш чораларни кўрсин.

41. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Садинов) ички суғориш тармоқларни бетонлаштириш ва тозалаш бўйича кунлик ҳаққоний маълумотларни вилоят ҳоқимлиги (Ҳикматов)га киритиб борсин.

Вилоят ҳоқими ўринбосари (Ҳикматов) амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳоқимига кунлик ахборот киритиб борсин.

42. Вилоят ҳоқими ўринбосари (Ҳикматов) Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев), Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси (Шакаргов), вилоят АТ “Агро банк” (Бўронов), Кармана тумани (Адизов), Қизилтепа тумани (Бобомуродов), Конимех тумани (Рўзиев), Навбаҳор тумани (Ўроқов), Хатирчи тумани (Адизов) ҳоқимликлари билан бирга пахта имтиёзли кредитдан ҳосил бўлган 23 млрд сўмлик қарздорликни сўндириш билан **шахсан кунлик шуғуллансин.**

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**) ушбу масала бўйича **кунлик сўров ва муҳокама** тизимини йўлга қўйиб, қарздорликни кескин камайтириш чорасини кўриб борсин.

43. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев